TOSHKENT SHAHAR YANGIHAYOT TUMAN HOKIMI
Q A R O R I

2022 - yil 26 - oktabr 474-14-220-Q/22 Yangihayot tuman hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2023 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида” ЎРҚ-642-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 965-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2022 йил 9 сентябрдаги 26/13-01/07-326-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2023 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш ўринларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонининг 6.9 фоизи миқдорида (бу 490 кишини ташкил этади), шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногиронлиги бўлган шахс болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз оналар ва кўп болали оилалар учун 37.3 фоиз (183 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари

бўйича таълим олган битирувчилари 38.6 фоиз (189 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар 0.4 фоиз (2 киши);

ногиронлиги бўлган шахс учун 3.8 фоиз (19 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 11.1 фоиз (54 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар, 8.2 фоиз (40 киши);

одам савдоси қурбонлари учун 0.6 фоиз (3 киши).

3. Шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

ногиронлиги бўлган шахслар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

одам савдоси қурбонлари учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари.

4. Мазкур қарорнинг 2-иловасида қайд этилган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

2023 йил бошланишидан камида 10 кун олдин, захирага қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини заҳирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2023 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлансин, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин.

5. Муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича туман ҳокимининг ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

6. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (И.Рахматов), беш кун муддатда ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

7. Мазкур қарор 2023 йил 1 январдан кучга киради.

8. Туман ҳокимлиги Матбуот хизмати (Н.Хакимова):

ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий саҳифаси ва ижтимоий тармоқларда ёритилиши таъминлансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Ташпулатов зиммасига юклатилсин.

Yangihayot tumani hokimi **X.Inogamov**

Yangihayot tuman hokimining
2022 yil 26 oktabrdagi
474-14-220-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Янгиҳаёт туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2023 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича махсус комиссия таркиби

1.	Х.Ташпулатов	-	туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, ***махсус комиссия раиси***

Махсус комиссия аъзолари:

2.	М.Раимов	-	туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи
3.	И.Раҳматов	-	туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори
4.	А.Махмудов	-	туман Молия бўлими бошлиғи
5.	Г.Муродова	-	туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи
6.	Е.Умурзоқов	-	туман Мудофа ишлари бўлими бошлиғи
7.	Г.Бегимқулова	-	туман ижтимоий мослашиш маркази раҳбари
8.	А.Ҳайитқулов	-	туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази масъул ходими, **комиссия котиби**

Yangihayot tuman hokimining
2022 yil 26 oktabrdagi
474-14-220-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Янгиҳаёт туманида 2023 йил учун “квота” ижтимоий муҳофазага муҳтож ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш бўйича

МАЪЛУМОТ

№	Корхона номи	Ходимлар сони	Ҳокимият томонидан яратилган махсус иш жойлари	Корхонада хақиқатан яратилган махсус иш ўринлари	Ногиронлар учун	Кўп болали ота-оналар учун	Ўқув юртини битирувчилари учун	Пенсия ёшига етиб қолганлар учун	Қўшин сафидан қайтганлар учун	Жазо муддатини ўтаб қайтганлар учун	Одам савдоси жабрланувчилари
1	Янгиҳаёт тумани Мактабгача таълим бўлими	40	3			1	1	1			
2	Янгиҳаёт тумани Тиббиёт бирлашмаси	360	25		1	7	15	2			
3	Янгиҳаёт тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати	39	3				2	1			
4	Тошкент шаҳар Тери-таносил касалликлари диспансери	177	6			3	2			1	
5	1-сон акушерлик мажмуаси	387	27			16	11				
6	65-сонли оилавий поликлиника	109	8			1	5	2			
7	66-сонли оилавий поликлиника	127	9			2	5	2			
8	Руҳий касалликлар клиник шифохонаси	310	22			8	13	1			
9	Янгиҳаёт тумани Ободонлаштириш бошқармаси	342	24		1	3	5			15	
10	4-автобус саройи	426	30		1	10	12	3		4	
11	12-автобус саройи	412	29		1	15	7	1		5	
12	Янгиҳаёт тумани маданият маркази	20	2			1	1				
13	“Health line” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси	468	33		2	10	9	2		8	2
14	“Sladus produce” масъулияти чекланган жамияти	186	6			1	4	1			
15	“Artikul aziya kabel” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси	290	20		1	12	2	2		3	
16	“Bektemir metall konstruksiyalari” масъулияти чекланган жамият	357	25		1	8	13			2	1
17	Янгиҳаёт тумани Халқ таълим бўлими	31	2				2				
18	“Madena collection” масъулияти чекланган жамияти	104	7			3	2	2			
19	“Smile lux” масъулияти чекланган жамияти	94	7			2	3	2			
20	“Humo air” масъулияти чекланган жамияти	71	5			2	3				

21	“Sputnik taksi servis” масъулияти чекланган жамияти	65	5			4		1			
22	“Vesting Tashkent” масъулияти чекланган жамияти	76	5				3	2			
23	“Sifco international” масъулияти чекланган жамияти	80	6			3	3				
24	“Silver vita” масъулияти чекланган жамияти	76	5			2	3				
25	“Azia-meet” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси	71	5		2		2	1			
26	“Delight-neo” масъулияти чекланган жамияти	52	4		1	2		1			
27	“Trust union” хусусий корхонаси	22	2				2				
28	“New times buildings” масъулияти чекланган жамияти	70	5		1	4					
29	“Rose diamond” хусусий корхонаси	39	3				2	1			
30	“Sharq binokor mexanizatsiya” масъулияти чекланган жамияти	48	3			2		1			
31	“Madad tijorat” масъулияти чекланган жамияти	20	1			1					
32	“Nilpak” масъулияти чекланган жамияти	36	3				2	1			
33	“Vita stimul grand” масъулияти чекланган жамияти	39	3			2	1				
34	“Brend prime” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси	70	5			2	1	2			
35	“Svs-binokor” масъулияти чекланган жамияти	45	3			2		1			
36	“Trans tex butlash” масъулияти чекланган жамияти	24	2				2				
37	13-сон кўприк қурилиш	140	10		2	6	1	1			
38	“Sun tex” масъулияти чекланган жамияти	120	9		2	6		1			
39	“Dentafill Plyus” масъулияти чекланган жамияти	520	37			16	17	1	1	2	
40	“Xurshida-bonu”хусусий корхонаси	145	10			5	2	3			
41	Янгиҳаёт тумани 44-МТТ	69	5			2	3				
42	Янгиҳаёт тумани 121-МТТ	57	4			1		3			
43	Янгиҳаёт тумани 581-МТТ	54	4			1	1	2			
44	Янгиҳаёт тумани 566-МТТ	70	5			2	3				
45	Янгиҳаёт тумани 584-МТТ	37	3			2		1			
46	Янгиҳаёт тумани 305-МТТ	59	4			1	3				
47	2-сон умумий ўрта таълим мактаби	35	3			2		1			
48	8-сон умумий ўрта таълим мактаби	36	3				1	2			
49	332-сон умумий ўрта таълим мактаби	35	3			1	2				
50	304-сон умумий ўрта таълим мактаби	22	2			2					
51	334-сон умумий ўрта таълим мактаби	40	3				1	2			
52	285-сон умумий ўрта таълим мактаби	37	3				3				
53	336-сон умумий ўрта таълим мактаби	42	3			1		2			
54	333-сон умумий ўрта таълим мактаби	54	4			2	2				
55	“7-qurilish TRESTI” масъулияти чекланган жамият	30	2		1			1			
56	Янгиҳаёт тумани 352-МТТ	25	2		1		1				
57	“Mega motors” масъулияти чекланган жамият	25	2			1	1				
58	“Mir jahon teks” масъулияти чекланган жамият	28	2		1			1			
59	“Toshkent shahar sog'liqni saqlash tibbiy ko'rik” масъулияти чекланган жамият	186	14			3	10		1		

ЖАМИ:	**7049**	**490**		**19**	**183**	**189**	**54**	**2**	**40**	3